

# **Шеробод тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисида НИЗОМ**

Умумий қоидалар

1. Ушбу низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 27 апрелдаги 123-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сонли, “Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро етувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 2017 йил 12 июлдаги ПҚ-3129-сонли, “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг инвестицияларни кенг жалб қилиш ва инновацияларни жорий етиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3407-сонли, “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил етиш тўғрисида” 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сонли, “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил етиш тўғрисида” 2020 йил 26 мартағи ПҚ-4653-сонли қарорларига мувофиқ Термиз тумани ҳокимлиги бошқарув аппаратининг (кейинги ўринларда бошқарув аппарати деб аталади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил етиш тартибини белгилайди.

2. Бошқарув аппарати ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, ҳалқ депутатлари туман Кенгашининг ва ҳокимнинг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласи.

3. Бошқарув аппарати ҳокимлик фаолиятини ахборот-таҳлилий, ҳуқуқий, ташкилий-техник ва молиявий-хўжалик жиҳатидан таъминлайди, ҳалқ

депутатлари туман Кенгаши мажлисларини унинг регламентига мувофиқ тайёрлайди, халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлайди, уларни амалга ошириш юзасидан амалий чоратадбирларни ишлаб чиқади ва ижрони мунтазам равишда текширади.

Бошқарув аппарати халқ депутатлари туман Кенгаши фаолиятига ташкилий, техник ва бошқа хизматлар кўрсатилишини таъминлайди.

4. Бошқарув аппарати ўз фаолиятини ҳоким раҳбарлигига амалга оширади.

5. Бошқарув аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимлиги, Термиз туман ҳокимлиги шунингдек, давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

Бошқарув аппаратининг вазифалари ва функциялари

6. Қуийдагилар бошқарув аппаратининг вазифалари ҳисобланади:  
ҳокимнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан белгиланган ваколатлари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш; туманни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш тенденсияларини комплекс таҳлил қилиш, асосий иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси, таркибий ва институционал ўзгартиришлар, маҳаллий бюджетлар ижросининг тизимли мониторингини олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган енг муҳим устувор вазифаларга мувофиқ туманни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

туманда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш, иқтисодиётда, туризм соҳасини ривожлантиришда, саноатда ва қишлоқ ҳўжалигида инновацион технологияларни тизимли жорий етиш чоратадбирлари амалга оширилишини таъминлаш;

корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш, ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлаш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқларини ва кафолатларини таъминлаш юзасидан алоқадор туман ташкилотларининг масъулиятини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

туманни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, туман иқтисодиётига

инвестицияларни кенг жалб қилиш ва инновацияларни жорий етиш, еркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини самарали ташкил етиш ва туризмни ривожлантириш;

туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва бошқа ҳудудий дастурлар ҳамда йўл хариталари амалга оширилиши мониторингини олиб боришнинг самарали тизимини яратиш;

туман иқтисодиётининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, тадбиркорлик субъектларининг экспортдаги иштироқини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни ташкил етиш;

қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни ва таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, йер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари амалга оширилиши юзасидан тизимли таҳлилни ташкил етиш; аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳудудий бошқарув органларининг, бошқа ташкилотларнинг янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли турмуши даражаси ва сифатини янада оширишга доир ишларини мувофиқлаштириш;

қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликларини ҳимоя қилиш, табиий оғатлар, епидемиялар ва бошқа екстремал ҳолатлар оқибатларини бартараф етиш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилишини ташкил етиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимининг қарорлари ва фармойишлари бажарилишини ташкил етиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятга ташрифлари бўйича қабул қилинган баёнлар ҳамда Президент раҳбарлигига ўтказилган селектор йиғилишларида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш чораларини кўриш;

ҳарбий-маъмурий сектор фаолиятини ташкил етиш;

норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий експертизадан ўтказиш, шу жумладан уларнинг айрим тармоқларга ва умуман ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қисқа муддатли ва узоқ муддатли таъсирини комплекс баҳолаш.

7. Бошқарув аппарати ўзига юқланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати ва вилоят ҳокими топшириқлари бўйича тегишли таҳлилий, маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимига кўриб чиқиш учун киритиладиган, шунингдек ҳалқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳоким томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва хуқуқий експертизадан ўтказилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимнинг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил етади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммоли масалаларни ҳал етиш ҳамда туманни, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда ҳокимга ва унинг ўринbosарларига тақдим етади; иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг муҳим устувор вазифалари, давлат дастурлари амалга оширилиши, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган тегишли тадбирлар амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилиши бўйича тегишли тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

ҳалқ депутатлари туман Кенгаши сессиялари, туман фаоллари йиғилишлари, ҳоким ва унинг ўринbosарлари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга

оширилишини назорат қиласи;  
халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимликнинг комиссиялари ҳамда бошқа ишчи органлари ишларини ташкил етади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қиласи;  
ҳокимнинг туманни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳисботи халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан ешитилишини ташкил қиласи;  
ҳокимликнинг иш режасини ишлаб чиқади ва уни амалга ошириш чораларини кўради;  
жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади, белгиланган тартибда ҳудудларда ҳокимнинг сайёр қабулларини ташкил етади;  
махфийлик режимини, давлат сирлари бўлган маълумотлар ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа ахборотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлайди;  
халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимликнинг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил етади.  
Бошқарув аппарати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

Бошқарув аппаратининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бошқарув аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга ега:  
ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ҳамда маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг туман бўлинмаларидан бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;  
зарурат бўлганда, ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг туман бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;  
давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг туман бўлинмаларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;  
туманни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш масалалари давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг туман бўлинмалари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида кўриб чиқилиши ва муҳокама қилинишини ташкил этиш;  
давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг туман бўлинмалари, бошқа

ташкилотлар раҳбарлариға тезкорлик билан ҳал етишни талаб қиласидиган ҳамда бошқарув аппаратига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш; давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг туман бўлинмалари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, ҳалқ депутатлари туман Кенгаши ҳужжатлари, ҳокимнинг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринbosарлари топшириқлари бажарилиши юзасидан ишларини белгиланган тартибда ўрганиш.

#### 9. Бошқарув аппарати:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аппаратлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимлиги аппаратининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденсияларининг, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, ҳокимнинг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб етувчи муаммоли масалаларнинг келиб чиқиши сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан туман ҳокимлигига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишининг ташкил етилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий експертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган хулосалар тайёрланиши; Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталариға ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимлигига, ҳалқ депутатлари туман Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва експертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро етилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”

2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, шунингдек ҳоким ва унинг ўринbosарлари топшириқларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

Бошқарув аппаратининг тузилмаси

10. Бошқарув аппаратининг тузилмаси ҳокимнинг ёрдамчиси, ҳокимнинг чегара масалалари бўйича ёрдамчиси, ҳокимнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя етилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, ташкилий-назорат гурӯҳи, вояга йетмаганлар ишлари бўйича туман идоралараро комиссияси котиби, юридик хизмат, девонхона, ҳисоб-китоб бўлими, ахборот хизмати, ҳоким ўринbosарлари ва унинг мутахассисларидан иборат бўлади.

Бошқарув аппаратининг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида" 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сонли, "Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг инвестицияларни кенг жалб қилиш ва инновацияларни жорий етиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3407-сонли, "Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил етиш тўғрисида" 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сонли, "Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил етиш тўғрисида" 2020 йил 26 марта ПҚ-4653-сонли қарорлари (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ҳудудий давлат бошқаруви органлари тузилмасига тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин) билан белгиланган.

11. Бошқарув аппаратининг ишлари ҳоким томонидан тасдиқланадиган  
Бошқарув аппарати ва ходимларининг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомга, ушбу Низомга, Иш юритиш бўйича йўриқномага, ташкилий-назорат гурӯҳи, юридик хизмат, девонхона, ҳоким ўринbosарлари, мутахассислари тўғрисидаги низомларга мувофиқ ташкил етилади.

12. Ҳокимнинг ўринbosарлари, ҳокимнинг ёрдамчиси, ҳокимнинг чегара масалалари бўйича ёрдамчиси, ҳокимнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя

етилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, ташкилий-назорат гуруҳи, вояга йетмаганлар ишлари бўйича туман идоралараро комиссияси котиби, юридик хизмат, девонхона ва ахборот хизмати ўз фаолиятида туман ҳокимига бўйсунади.

Мутахассислар ўз фаолиятида ҳокимнинг тегишли ўринбосарларига бўйсунади.

13. Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ташкилий-кадрлар хизмати билан келишган ҳолда туман ҳокимининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод етилади. Ҳоким ўринбосарининг бош мутахассислари, шунингдек мутахассислар ҳокимнинг тегишли ўринбосари тақдимномаси бўйича туман ҳокимининг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод етилади. Ҳокимнинг ёрдамчиси ва бошқарув аппаратининг бошқа ходимлари туман ҳокимининг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод етилади.

Юридик хизмат ходимлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда туман ҳокимининг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод етилади.

14. Ташкилий-назорат гуруҳи, юридик хизмат, ҳоким ўринбосарларининг мутахассислари тўғрисидаги низомлар, шунингдек улар ходимларининг, ҳоким ёрдамчиларининг, вояга йетмаганлар ишлари бўйича идоралараро туман комиссияси котибининг, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя етилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчисининг функционал вазифалари туман ҳокими томонидан тасдиқланади.

Бошқарув аппарати фаолиятини ташкил етиш

15. Бошқарув аппарати ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари, туман ҳокими ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил етилади.

16. Тумант ҳокими ўринбосарларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимининг қарорлари,

фармойишлари ва топшириқлари билан ҳокимликка қуидаги соҳаларда юкланган вазифаларни бажариш бўйича аниқ чора-тадбирлар ва “Йўл хариталари”нинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган:

17. а) Камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида:

тегишли вазирлик ва идораларнинг туман бўлинмалари, хўжалик бошқаруви органлари билан ҳамкорликда камбағалликни қисқартириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши бўйича мониторинг олиб бориш; аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, уларнинг даромадлари ўсишини ва харид қобилиятини оширишни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; аҳолининг алоҳида қатламларини манзилли ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар бир маҳалла кесимида ўрганган ҳолда, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш чораларини кўриш;

фаолиятини вақтинча тўхтатган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тиклаш ва ишлаб турган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш;

туман иқтисодиёти ўсишига туртки берадиган соҳа ва йўналишларни белгилаш ва тадбиркорликни шу соҳаларда ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, туман иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини комплекс ривожлантиришнинг асосий дастурларининг кафолатланган молиявий манбаларини аниқлаган ҳолда туманнинг маҳаллий бюджети параметрлари билан узвий тарзда ишлаб чиқилишини ва сўзсиз амалга оширишни таъминлаш;

иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича тегишли вазирлик, идоралар, қўмиталар, тижорат банкларининг туман тузилмалари иш фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳолини тадбиркор қилиш мақсадида улар билан тижорат банклари ўртасида мулоқот ўрнатиш учун ҳар бир хонадонга комплекс банк ва молиявий хизматларни таклиф қилиш орқали имтиёзли кредитлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш; давлат ва хўжалик бошқаруви органлари туман бўлинмаларининг, бошка ташкилотларнинг, биринчи навбатда, экспорт тузилмасида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар улушкини янада кўпайтириш ҳисобига экспорт салоҳиятини ошириш бўйича минтақавий дастурларни амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш ва уларни жаҳон ҳамда минтақа бозорларига киритиш, маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишнинг кўпайтирилишини рағбатлантириш ва маҳсулотларнинг таркибини

такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; ишлаб чиқариш кучларини мақбул жойлаштириш ва янги иш ўринлари ташкил етиш ҳисобига банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшларни ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш; қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, хусусий мулкнинг манфаатларини, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш; қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга замонавий ҳисоб-китобларни йўлга қўйишда кўмаклашиш; инсон манфаатларини таъминлаш, айниқса аҳолининг қишлоқ жойларда ҳаёт даражасини ва сифатини ошириш, янада фаровон ҳаёт кечириши учун пенсия ва нафақалар, реал даромадларни барқарор ошириш манбаларини яратиш, замонавий банк ва молия инфратузилмасини яратиш ҳисобига нақд пул тўловларини ўз вақтида амалга оширишнинг янги механизми ва тизимини жорий қилишни ташкил қилиш; аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини доимий узлуксиз таъминлаш, айниқса куз-қиши мавсумида озиқ-овқат маҳсулотларининг захирасини яратиш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш; давлат органларида, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, ахборот фаолияти, архив иши, интеллектуал мулк обьектларига ҳуқуқларни ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш; истеъмол товарлари, аҳолини истеъмол товарлари ва пулли хизматлар билан таъминлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари юзасидан бозорлар, ярмарка ва кўргазмалар фаолиятини мувофиқлаштириш; чакана ва улгуржи савдони, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил етиш тизимини такомиллаштириш, савдони ташкил етиш ва хизматлар кўрсатишнинг янги шакллари ва усувларини кенг жорий етиш, тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш; 1. б) саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги соҳасида: туманда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини ташкил етиш, халқаро стандартларни қўллаш, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича маҳсулотларнинг сифати ва

рақобатбардошлилигини ошириш;  
шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, туман маркази ва туманинг тбош режасини ишлаб чиқиш ва қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш ишларини ташкил етиш;  
капитал қурилишда ислоҳотларни амалга ошириш, лойиҳалашнинг замонавий услубларини жорий етиш, пудрат ишлари бозорини шакллантириш, пудратчи ташкилотлар ва қурилиш индустрияси корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш;  
манзилли қурилиш дастурига киритилган объектлар ҳамда “Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” Дастурларига мувофиқ танланган массивларда олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини назорат қилиш, қишлоқда замонавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш объектларининг ҳамда инфратузилма ва ижтимоий соҳа объектларининг ўз вақтида фойдаланишга топширилишини таъминлаш;  
муҳандислик ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;  
аҳолига транспорт ва алоқа хизмати кўрсатишни яхшилаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил етишни таъминлаш;  
коммунал соҳани ислоҳ қилиш, кўрсатилаётган уй-жой-коммунал хизматлар даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, енергияни тежайдиган технологияларни жорий етиш, иссиқлик таъминоти тизимларини модернизация қилиш, халқаро молия институтлари иштироқидаги тегишли лойиҳаларда ишларнинг боришини назорат қилиш;  
аҳолини сифатли ичимлик сув билан ва санитария жиҳатидан тозалаш тизими билан таъминлаш;  
аҳоли пунктларини ободонлаштириш, коммунал хўжалигини ривожлантириш;  
туман маркази, қишлоқлар ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш,  
истеъмолчиларга санитар тозалаш хизмати кўрсатилиши ва  
кўкаlamзорлаштириш ишларини мувофиқлаштириш;  
қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви ва табиий газ таъминотини яхшилаш чораларини кўриш;  
1. в) қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида:  
қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, соҳада хусусий секторни ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ишларини ташкил етиш ва мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таркибий ўзgartiriшни таъминлаш;  
дехқончилик ва агротехнологияларнинг илғор усууларини жорий етиш чора-тадбирларини кўриш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизmlари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий етиш, сув хўжалиги обьектларидан фойдаланиш ишларининг ва суғориладиган йерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг бажарилишини мувофиқлаштириш; қишлоқ хўжалигини, сув хўжалигини ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил етиш, ушбу соҳаларга ташқи ва маҳаллий инвестицияларни жалб етиш чора-тадбирларини кўриш; чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш ҳамда уларнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини ривожлантириш, ҳайвонларни сунъий уруғлантириш хизматларини кенгайтириш, зооветеринария хизмати кўрсатиш тармоғини ривожлантириш ишларини ташкил етиш; ипакчиликнинг озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, юқори маҳсулдор тут ипак қуртини йетиштириш, тирик пилла йетиштиришни кўпайтириш; мева-сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантиришни ташкил етиш; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг сақланиши таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш корхоналарини ташкил етиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш, шунингдек қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси обьектларини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш; 1. г) ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар соҳасида: “Ёшлар-келажагимиз” давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини ташкил етиш; ҳар томонлама камол топган, қатъий еътиқодга ва қарашларга ега бўлган, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш; ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ижтимоий фаоллигини оширишга, шунингдек ёшлар ўртасида назоратизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган ишларни ташкил етиш; ёшларнинг иш билан бандлиги, уларни кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб етиш, шунингдек ёш оиласаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал қилиш; иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш; узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил етиш, таълим

